

МИНЕРАЛ ВА ОРГАНИК ЎҒИТЛАРНИНГ КАТТА ЗУБТУРУМ ЎСИМЛИГИНИ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

А. Эргашев, М.Т. Юлчиева

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон
Республикаси

Ишнинг мақсади: ўсимлик маҳсулоти таркибида аукутин (ринантин) гликозиди, флавоноидлар, каротин, витаминлар ва доривор препаратлари яллиғланишга қарши ва балғам кўчирувчи восита сифатида, меъда-ичак кассаликларига даво сифатида қўлланиши сабабли, унинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига минерал ўғитларнинг таъсирини ўргандик.

Усуллар: тадқиқотлар суғориладиган бўз тупроқларда ўтказилди. Тупроқ таркибидаги озиқа ферментлар (азот, фосфор, калий), ўсимликнинг вегетация давомида ўсиши ва ривожланиши Тупроқшунослик ва агрокимё (1981 й) ва Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти (1976 й) услубий қўлланмалари асосида бажарилди.

Натижа: Ўзбекистон Республикасининг барча тупроқ ва иқлим шароитида катта зубтурум ўсимлигини экиб ўстириш мумкин.

Ўсимлик кўп йиллик бўлганлиги учун уни кузда ва эрта баҳорда ҳам экиш мумкин. Кузда ва баҳорда экиладиган уруғларнинг қадаш чуқурлиги 0,5—1,5 см, экиш нормаси гектарига 5—6 кг ва унувчанлик даражаси 70—80% дан кам бўлмаслиги керак.

Ўсимлик экилган далалардан фойдаланиш давомийлиги 3—4 йил. Катта зубтурум ўсимлигини парвариш қилиш ўсимликда чинбарглар ҳосил бўлгандан кейин уларни тупроққа қўшилиб кетмаслиги учун эҳтиёткорлик билан культивация қилиб ер юмшатилади. Бегона ўтлардан тозаланади ва ягана қилинади.

Вегетация давомида ўсимликнинг ривожланишини эътиборга олиб икки марта гектар ҳисобига ўртача 90 кг азот, 40 кг фосфор ва 40 кг калий ўғити билан озиқлантирилади. Иккинчи ва кейинги йилларда ҳам шоналаш даврида ва баргини йиғиб олингандан сўнг, культиваторлар ёрдамида икки марта минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Озиқлантириш суғоришдан олдин амалга оширилади. Мавсум давомида ҳарорат ва намгарчиликни ҳисобга олган ҳолда 10—12 марта суғорилади ва тупроқни юмшатиш ва бегона ўтларни йўқотиш учун 4—5 марта культивация қилинади. Катта зубтурум экилган майдонларда юқори даражада сифатли агротехник тадбирларни амалга оширилса, гектаридан 1,5—2 тонна қуруқ барг йиғиб олиш мумкин.

Хулоса: катта зубтурум ўсимлигини яхши ўсиши ва ривожланиши учун унумдор ерларни танлаш лозим. Ўсув даврида минерал ўғитлар билан озиқлантириш мақсадга мувофиқ бўлади.